

Қандай гўзал қиш!..

Саидқабар Абдураимов олган сурат

2023 йил, 11 январь. Бу сана ўзининг аномал воқеалари – қаҳратон соғуғи ва ҳайратомуз қарорлари билан хотирамизда сақланиб қолса, ажаб эмас.

Вазирнинг биринчи интервьюси



Амрилло ИНОЯТОВ:

МАШАҚҚАТЛАРНИ АЎБАТТА ЕНГАМИЗ!

Амрилло Иноятов 1979 йили Бухоро вилоятида туғилган. 2022 йилнинг 30 декабидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023-йил
12-yanvar
payshanba
№ 6 (4758)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991 yil 21 martdan chiqqan boshlagan

Келгуси сонларда ўқинг...



ОНГ ОСТИГА ОВ



БИЗНИ ФАРИБ ЭТУВЧИ ДАРДЛАР



ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



Фарғона вилояти

Миннатдорлик

ФИДОЙИЛАРГА ТАШАККУР!

МЕН УШБУ НОМА ОРҚАЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРМОҚЧИМАН

Гап шундаки, мен «Фарғона ҳудудий электр тармақлари» акциядорлик жамиятида қарийб 18 йил ишладим. Сўнги даврда хўжалик ишлари бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган эдим. Аммо иш берувчи 2019 йил 17 майда мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди.

Менинг фикримча, бу адолатсизлик эди. Шу сабаб турли ташкилот-идораларга ҳуқуқимни тиклашда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Ҳар гал ишга тикланиб, маълум муддатдан сўнг яна раҳбарият томонидан ноқонуний ишдан бўшатилардим.

2022 йил 11 августда Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова вилоятимизда сайёр қабул ўтказганида юзага келган вазиятни айтиб, ёрдам сўрадим. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон касабалари Федерациясининг

Фарғона вилояти кенгаши мурожаатимни қонун доирасида ўрганишини айтди.

Масъуллар барча тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқишгач, кенгаш юристлари, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритилишига кўмаклашди.

2023 йил 5 январь кунини фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг апелляция судлов ҳайъати томонидан ўз иш жойимга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунларим учун 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Кеч бўлса-да, адолат қарор топди. Бунинг учун менга кўмак берган барча фидойи инсонларга миннатдорлик билдирман. Федерация томонидан ҳар бир инсон эътиборда эканини, фуқароларнинг мурожаатлари қонуний ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўрилатганини ўз ҳаётим мисолида яна бир қарра ҳис этдим.

Албатта, ўз касбининг фидойилари бор экан, жамият янада тараққий этиб, одамлар ҳаётдан ва давлатдан рози бўлиб яшайверадилар.

Шоира ИСРОИЛОВА
Фарғона тумани



Азиз газетхонлар! Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётимизми? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Айтишларича...

Хоразмда мактабларни иситишда инновацион печлардан фойдаланилмоқда. Улар марказий иссиқлик тизимига уланмаса ҳам энергияни ҳаво орқали олиб, синфхоналарга ҳарорат таратаверар экан...

Суратда: Вазирлар Маҳкамаси баёнига асосан ҳудуддаги об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда, қишки таътил даврини узайтириш ёки узайтирмаслик ваколатига эга раҳбарлардан бири бўлган Шовот тумани ҳокими.

Сурат ижтимоий тармоқлардан олинди.



БИЗНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА КУЗАТИБ БОРИШИНГИЗ МУМКИН:

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgz>

Фаргона
вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

ДАСТЛАБКИ ТАҲЛИЛ НИМАЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фаргона вилояти кенгашида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичининг илк кунларида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳамда ёрдамга муҳтож аёлларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.



нинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилашга, тадбиркорликка жалб этишга, уй шароитида касаначилик орқали ўз-ўзини банд қилишга кўмаклашишга жиддий эътибор қаратилади.

Бугунги кунда вилоятдаги барча маҳаллаларда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, гуруҳ аъзолари томонидан аёлларнинг оилавий шароитини хонадонма-хонадон ўрганиш ишлари олиб борилаётгани қайд этилди.

Йиғилишда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар кенг муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шоҳсўлтон ТЎХТАМАТОВ

Таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда олдинги босқичларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу борада олдинда турган долзарб вазифалар белгилаб

олинди. Хусусан, «Аёллар дафтари» тизимининг 2023 йилда амалга оширилаётган тўртинчи босқичида мазкур рўйхатга киритилган ҳар бир хотин-қизга комплекс ёрдам берилди, оилалар-

Эндиликда педагогларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик янада кучайтирилиши мумкин. Бу «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида белгиланмоқда. Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида ушбу меъёрий ҳужжат депутатлар томонидан кўриб чиқилди.

ЎҚИТУВЧИЛАР

мажбурий меҳнатга жалб этилса...

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга педагогларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳақидаги меъёр киритилди. Шунингдек, педагог ходимнинг таълим олувчилар билимини тўғри ва ҳолис баҳолашига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашши ёки уларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда эса ушбу ҳуқуқбузарликка нисбатан белгиланган жарималар

миқдори бироз пастроқ, яъни фуқароларга БХМнинг 5 бараваридан 7 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорни ташкил этади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлишини назарда тутувчи нормани киритиш тақлиф этилмоқда. Амалдаги қонунчиликда эса маъмурий қамоққа олиш билан боғлиқ жазо чораси мавжуд эмас эди.

Шунингдек, Жиноят кодексига ҳам маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бундай



ҳуқуқбузарлик содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазолашни мустақамловчи янги норма қўйиш назарда тутилмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган бундай ўзгаришлар педагог ходимларнинг ҳуқуқларини янада мустақамлаш, ҳимоя қилиш, фаолиятини ҳеч бир тўсиқларсиз амалга ошириш ва албатта, самарали иш олиб боришларини таъминлашга хизмат қилади. Бу жуда тўғри ва муҳим қадам эканини таъкидлаган ҳолда, мазкур қонуннинг қабул қилинишини кутиб қоламиз.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
тайёрлади.

Хуқуқ


Самарқанд
вилояти

Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмасида йилнинг илк ҳафтаси машамалар билан қаршилди. Масалага қонуний нуқта қўйишга маъмуриятда ташаббус, ходимларда эса сабр-бардош етмади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши билан ҳамкорликда ҳамширалар мурожаатини ўрганишимизга йлди келди. Муаммонинг илдизи бироз чуқурроқ экан.

«Тез тиббий ёрдам» маркази жонлантириш (реанимация) бўлимида фаолият кўрсатиб келардик, – дейди 11 нафар киши имзо чеккан мурожаатга ишора қилиб Санъат Жабборова. – Янги йилдан сўнг бўлим мудири ва бош ҳамшира барчамизга ишга келмаслигимизни, биз ишлаб турган лавозимлар қисқаришига тушганини айтишди. Ҳайрон қолдик. Барчамиз олий тоифали ҳамшира мақомига эгамиз. Уртача ёшимиз 54-57 ёшни ташкил этади. Энг ками 30 йиллик иш тажрибасига эгамиз. Ҳеч бир изосиз ишга қўйилмаслигимиз мумкинми? Мана, бир ҳафтадирки, ишхонага киролмаяпмиз.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Дилфуза Камоловага учрашдик. У 11 нафар ҳамширанинг аксари пенсия ёшига етгани, штатлар жадвалига мувофиқ қисқаришга тушганини билдирди. Мулоқотдан аёнлаш-



дики, ходимларнинг бирортаси штат жадвали қисқартирилаётгани тўғрисида қонун доирасида огоҳлантирилмаган. Томдан тараша тушгандек, оғзаки равишда ишга қўйилмаган.

Туман «Тез тиббий ёрдам маркази» жонлантириш бўлими мудири Яхшимурод Ҳасанов эса бу ходимларнинг иш ўрни қисқариб, айни чоғда улар учун иш ўрни йўқлигини билдирди. Асос сифатида қўлимизга ССВнинг 2022 йил 8 октябрдаги 06-31070-сонли хатини туқазди. Вазир ўринбосари О.Фозилкаримов имзолагани, тизим ташкилотларига жўнатилган кўрсатмани айнан келтирадим.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги «Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш тўғри-

сида»ги қарорининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида Республика «Тез тиббий ёрдам маркази» ва унинг ҳудудий филиаллари, Республика шифокорлик тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, марказий туман (шаҳар) шифохоналари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi автоҳўжаликларнинг янгиланган штат меъёрлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мазкур штат меъёрлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилди.

Юқорида келтирилган штат меъёрлари асосида муассасаларнинг янгиланган штат жадвалларини тузиб,

тасдиқланган ҳолда ҳудудий молия органларидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишнинг ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан 10 иш кундан кечиктирмай умумлаштирилган ахборотни вазирликка тақдим этишиниз сўралади. Имзо».

Бу янгилик ижроси вазирликка қай таҳлилда етказилганини билмадигу, аммо Пастдарғом ТТБдаги иш ўрни қисқаришга тушган ходимлар мулақо хабарсиз қолдирилган. Қолаверса, туман ТТБ кадрлар бўлими бошлиғи Д.Норпулатов тақдим этган 2023 йил 9 январдаги маълумотда Санъат Жабборова ва ўн нафар бошқа ҳамшира билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинмагани баён этилган.

– Пастдарғом ТТБ маъмурияти тутган йўл нафақат ходимларнинг шахси, кадр-қимматини топташ, балки қарор ва кўрсатмалар ижросига ҳам панжа орасидан қарашдан бошқа нарса эмас, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Маъруф Бобоёров. – Масала ТТБ раҳбари иштирокида муҳокама этилди. Ишга қўйилмаётган 11 нафар ҳамширанинг ҳуқуқлари тикланди.

Қонунга амал қилган қоқилмайди. Бу Пастдарғом ТТБ раҳбарларига сабоқ бўлса, ажабмас.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ажабо!

Ҳамширалар нега ишга қўйилмади?

Сурхондарё
вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

ҲИСОБЧИГА БЕРИЛГАН ЖАЗО БЕКОР ҚИЛИНДИ

Фуқаро М.Имомованинг иш берувчи хатти-ҳаракатидан норози бўлиб қилган мурожаати Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, у 2022 йилдан Халқ банкнинг Музработ филиалида фаолият кўрсатиб келган. Ҳозир мазкур молия муассасасида чакана хизматлар бўлими бухгалтер-назоратчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Гап шундаки, 2022 йил 29 июнь кунини Сурхондарё вилояти Марказий банк бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, М.Имомова назоратдаги кассада 5000 сўм ортиқча маблағ борлиги аниқланди. Сўнгги иш берувчи унга меҳнат муносабатларини бузгани учун ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан жарима жазоси тайинланди.

Буйруқ 2022 йил 14 июнда расмийлаштирилган. Иш берувчи М.Имомовадан 2022 йил 19 июль кунини, яъни



интизомий жазо қўлланилгандан сўнг тушунтириш хати олади. У М.Имомовага нисбатан интизомий жазо қўллашда Меҳнат кодексининг 182-моддаси талабларини қўпол равишда бузган.

Иш берувчига буйруқни бекор қилиш ҳақида меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан кўрсатма киритилди.

Халқ банки Сурхондарё

вилояти филиалининг 2022 йил 11 ноябрдаги №70-КБ сонли буйруғига кўра, М.Имомовага қўлланилган интизомий жазо бекор қилинди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Сурхондарё
вилояти

Омад ёр бўлсин, Ҳилолаҳон!

Гулистон шаҳридаги «Beton sanoat» МЧЖ бош директори Ҳилола Обидова тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганига тўрт йил бўлди. Шу вақт давомида у мақсадларини қатъий белгилаб, ташаббускор тадбиркор сифатида танилди.

Ҳилола раҳбарлик қилаётган корхона темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш ҳамда йирик қурилиш объектларини лойиҳалаштиришга ихтисослашган бўлиб, айни пайтда саксон-

дан ортиқ замонавий техникага эга. – Корхонамизда 500 нафардан ортиқ доимий, 200 нафардан зиёд мавсумий ишчи-ҳодимлар фаолият юритади, – дейди Ҳилола Обидова. – Аҳолини замонавий уй-жой билан

таъминлаш мақсадида ўтган йили 300 дан ортиқ шинам хонадонларни қуриб, эгаларига топширдик.

Ҳилола нафақат қурилиш, балки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Ҳозир унинг ташаббуси билан бунёд этилган «Саховат» марказида 400 нафардан ортиқ тадбиркор фаолият юритапти. 150 тадан зиёд янги иш ўрни яратилган. Мажмуа тўрт қаватли бўлиб, 17 минг кв. метр майдонда қурилган.

Вилоят аҳолиси бўш вақтларини мароқли ўтказиши ҳамда маданий ҳордиқ олиши учун гипермаркетнинг 3-қаватида болалар ўйингоҳи, кинотеатр ва боулинг каби кўнгилочар майдончалар, 4-қаватда умумий овқатланиш шохобчалари ташкил этиб, яна 200 тадан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Ишчиларнинг асосий қисмини «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади.

– Бу йилги режамиз яна 1000 та иш ўрни яратишдир, – дейди тадбиркор. – Муҳими, ишбилармонлар учун ишлаб даври келди. Орзуим келажакда қурилиш соҳасида аёлларимиз ҳам катта натижаларга эриша оlishini исботлаш ҳамда Ўзбекистонимиз аҳолиси учун жаҳон стандартларига мос чиройли иншоотлар барпо этишдир.

Бундай ажойиб, йигитлардек шахдам, мақсади аниқ қизимизга жуда ҳавасимиз келиб, «Балли, Ҳилола, барча орзу-режаларингизга етинг!», дея ният қилдик.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Тадбиркорлик



Суратда: Гулистон шаҳридаги «Beton sanoat» МЧЖ бош директори Ҳилола Обидова.

Ҳикмат

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Амир ТЕМУР

Амрилло ИНОЯТОВ:

МАШАКҚАТЛАРНИ АЛБАТТА ЕНГАМИЗ!



1 – Амрилло Шодиевич, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб, кичик илмий ходимликдан вазир даражасига эришдингиз. Демак, биз сўрамоқчи бўлаётган муаммолар илдинини жуда яхши биласиз. Президентимиз бот-бот айтаётган «одамларни рози қиладиган» тиббиётни яна қанча қутишимиз керак?

– Мамлакат аҳолиси саломатлигини таъминлаш – давлатимиз келажагига дахлдор ўта жиддий масала. Шу боис сўнги беш йил давомида Президентимиз бу масалага доимий эътибор қаратиб келяпти. Бугун бизга қўйилаётган талаб жуда оддий: «Соҳадаги ютуқни – ютуқ, камчилиқни – камчилик деб айтиб, тизимдаги «касалликлар»га тўғри диагноз қўйиб, давосини топишга ҳаракат қилишимиз зарур».

Вазирлик айна кунларда шу масалалар ечимни устида иш олиб борапти. Тиббиётимизнинг ҳар бир бўғинида зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар жуда кўп. Аммо биз уларни кўпинча фрагментар тарзда ечишга ҳаракат қилдик. Фрагментар ёндашувда, албатта, фрагментар натижа олинади. Бу – тизимли муаммо. Тизимли муаммони ечиш учун эса тизимли ёндашув керак. Бизда шу пайтгача ана шу ёндашув кўзга ташланмади.

Ҳозирги кундаги асосий масала – тиббиётни аҳолига яқинлаштириш. Мамлакатимиз аҳолиси тиббиётдан нега норози? Чунки жўғрофий жиҳатдан тарқоқ жойлашган давлатимиз. Юртимизнинг чекка ҳудудларида яшайётган аҳоли ҳам кафолатланган сифатли тиббий хизматдан фойдалана олиши керак. Президентимиз мана шу сифатли олдимишга устувор вазифа қилиб қўйдилар ва уларни амалга оширишни бошладик. Тиббиёт энг олис ҳудудларга ҳам яқинлаштирилади. Бу – чекка ҳудудларга ҳам малакали шифокор, малакали ҳамшира, зарур барча дори воситалари ва тиббий жиҳозлар етиб боради, деганидир.

Охириги 2 йил ичида 2000 та оилавий шифокорлик пункти ташкил этилиб, уларнинг жами сони 4200 тага етди. 6,5 млн. аҳолига тиббиёт янада яқинлашди. Мижозлар зарур дори воситалари билан таъминланди.

Бу йил сифатли ва кафолатланган тиббиётни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадига мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яна 500 тадан зиёд ана шундай ихчам маҳалла тиббиёт пункти ва 140 та оилавий поликлиника очилиши керак. Лекин бу билан ишимиз юришиб кетмайди. Бунинг замиридаги мазмунга эътибор қаратишимиз лозим. Бу – тиббий жиҳоз. Ҳар бир бирламчи тиббиёт бўғинининг ўз нормативи бор. Маҳалла тиббиёт пунктида, оилавий шифокорлик поликлиникасида, оилавий поликлиникада, кўп тармоқли марказий поликлиникалар ҳамда туман ва шаҳар касалхоналарида қандай тиббий жиҳозлар ўрнатилган бўлиши керак? Мана шуларнинг рўйхатини шакллантирдик. Бу йўналиш учун жуда катта маблағ ажратилди. Биргина халқорол молия институтларининг ўзидан 10 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиб, жиҳозлар харид қилинди. Улар яқин уч ой ичида янги поликлиникаларга тўлиқ етказиб берилди.

Шунингдек, ҳар 2000 нафар аҳолига битта оилавий шифокор ва унинг атрофида 3 тадан 5 тагача универсал патронаж ҳамшира бириктирилган. Бундан ташқари, барча бўғиндаги поликлиникаларни белгиланган ҳамма турдаги дори-дармон ва воситалар билан таъминлаш масаласини ҳал этишимиз зарур. Бу йўналишларда аниқ маъмулий дастур ишлаб чиқилган. Президентимизга минг раҳмат, маблағ ажратиб бердилар. Энди унинг ижросини ҳеч қандай коррупцияни аралаштирмай, тезроқ таъминлашимиз керак.

– Суҳбатимиз давомида бирламчи тиббий бўғинни ривожлантириш зарурлигини бир неча бор таъкидлаганимиз сабаби нимада?

– Бу саволингизга жавобни онкологик касалликларга боғлиқ вазият билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Онкологияда энг катта вазифа – касалликни дастлабки босқичларда аниқлаш. Бугун мамлакатимизда расман 113000 нафар онкологик бемор назоратга олинган. Уларнинг 7000 нафари Хоразм вилоятига тўғри келади. 2019 йилда шундан 3500 нафари вазирлик ордери билан Тошкентдаги онкологик марказга даволашнига қатнаган бўлса, 2020 йили бу кўрсаткич

“ Юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари мисолида оладиган бўлсак, ҳозирги кунда 30 минг нафар шифокорга эҳтиёжимиз бор. Бу – рўйхатга хусусий секторда фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларини киритмаганимиздаги аҳвол. Биз ҳали хусусий секторни ҳам малакали кадрлар билан таъминлашимиз лозим. Кўриб турганингиздек, замонавий шифокорларни тайёрлаш энг катта вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

2 бараварга камайиб, 1700 тага, 2021 йилда 750 тага тушди. 2022 йилда эса бор-йўғи 131 нафар бемор марказга текшириш ва даволашнига келган. Бу ҳудудларда даволаш ва диагностика хизматлари такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Тошкент тиббиёт академияси ҳудудида қурилатган 650 нафар беморга мўлжалланган онкология маркази жуда замонавий марказ бўлади. Унга биз шу пайтгача фойдаланмаган 10 тага яқин янги технологиялар, янги стандартлар кириб келяпти. Бундай технологияларни босқичма-босқич бошқа ҳудудларга ҳам жорий қилиш – олдимишда турган асосий вазифалардан бири.

Халқимиз тиббиётдан рози бўлиши учун, авваламбор, бирламчи бўғинни кучайтиришимиз жоиз. Унга ҳамма ресурсимизни йўналтириб, эътибор қаратсак, касалликни дастлабки босқичларда аниқлаб, ўша босқичда самарали даволашга киришиш имконини яратган бўлашимиз.

Бу йўналишда Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Япония каби давлатлар тажрибасини ўрганишимиз. Масалан, Ҳиндистон халқ табибати йўналиши – Аюрведа ни стандарт протокол билан ўзининг бирламчи тиббий бўғинига жорий этган. Бизда ҳам анъанавий даволаш тизимида халқ табибати ни интеграция қилиш ҳамда даволашнинг гибрид шаклини кўллаш вақти келди.

Мамлакатимизда 500 дан ортиқ ноёб шифобахш гиёҳлар бор. Уларни ўрганиш, тиббиётга жорий этиш билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. Биз ишни шундан бошлашимиз керак. Шифобахш ўсимликларни аниқлаб, уларни кўп этиштиришни йўлга қўйсак, юқори технология дори ишлаб чиқариш, ўзимиздан орттириб, четга экспорт қилиш имкони пайдо бўлади.

Замонавий кадрларни тайёрлаш ҳам долзарб вазифа. Шу боис юқорида тилга олинган давлатлар билан ҳамкорликда, қўшма таълим дастурлари асосида халқ табибати йўналишида 4 йиллик кадрларни тайёрлаш тизимини амалиётга татбиқ этиш режалаштирилган. Жуда катта стратегик вазифа эса раҳбар кадрларни шакллантиришдир. Ҳозир соғлиқни сақлаш тизимида 10-15 минг нафар раҳбар фаолият юритади. Бугун ўша раҳбарлар ишга шунчаки келиб-кетиётган, ўзини ишлаётгандек кўрсатаётган бўлиши мумкин. Лекин натижа бўлмаса, ундай раҳбарнинг кераги йўқ.

Биз раҳбарларнинг янги авлодини шакллантиришимиз даркор. Бунинг учун, аввало, ишлаб турган раҳбарларимиз дунёқарашини ўзгартиришимиз, шунингдек, соҳада етишиб келаётган ёш раҳбар кадрларни шакллантиришимиз керак. Ана шу потенциалдан оқилона фойдалансак, яқин 2-3 йилда тиббиётимизнинг тўлиқ трансформациясига эришимиз мумкин.

– Сиз айтаётган муаммоларнинг ҳал этилиши, албатта, яхши. Аммо ҳали йирик шаҳарларимиздаги бирламчи тиббиёт бўғинларида ҳам анча-мунча муаммолар

бор. Малакали шифокорларнинг етишмаслиги, даволаш стандартлари ва протоколларига риоя этмаслик ва ҳоказолар...

– Тўғри таъкидлаганимиз, бу масалаларда ҳам камчиликларимиз бор. Рақамлар асосида айтиладиган бўлсам, ҳозир тиббиётимизнинг бирламчи бўғинида қарийб 10000 нафар шифокор етишмайди. Халқорол тажрибада дуал таълим деган тушунча мавжуд. Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, тиббиёт олий ўқув юрталарининг 6-курси талабаларига бирламчи бўғинида ишлаш имкони яратилди. Ўтган йили охириги курс талабаларининг 5555 нафари шу тариқа иш билан таъминланди. Бу ҳам кадрлар тақчиллиги муаммосини бартараф этишга хизмат қилади, албатта.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кадрлар етишмовчилигини тўлдирish учун бугун бирламчи бўғинида ишлаётган шифокорларга икки ҳиссагача ишлаш ҳуқуқи берилган. Айрим шифокорлар тунги навбатчиликда ҳам туриши мумкин. Уч, тўрт ҳисса ишлаётган ҳамкасбларимиз ҳам бор. Бу эса тиббий хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари мисолида оладиган бўлсак, ҳозирги кунда 30 минг нафар шифокорга эҳтиёжимиз бор. Бу – рўйхатга хусусий секторда фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларини киритмаганимиздаги аҳвол. Биз ҳали хусусий секторни ҳам малакали кадрлар билан таъминлашимиз лозим. Кўриб турганингиздек, замонавий шифокорларни тайёрлаш энг катта вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Иккинчи масала – даволаш стандартлари ва протоколларига риоя этмаслик. Бизда халқорол даволаш стандартлари ва протоколлари жорий этилиб, вазирлик томонидан тасдиқлаб берилган. Бироқ уларга амал қилиш баъзи жойларда талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаби шифокорларимизнинг, муассасалар раҳбарларининг масъулиятсизлигида, қолаверса, шифокорларимизнинг билим даражаси етарли эмаслигидадир. Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам, бу ҳақиқатни тан олишимиз керак.

Битта поликлиниканинг ўзида битта беморга тўртта шифокор тўрт хил даволаш усулини ёзиб бераётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу дунё стандартлари тўлиқ жорий этилмагани оқибатидир.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтайлик. Бугун биз тиббий хизматнинг қайси тури бепул, қай тури пулли эканига аниқлик киритиб олишимиз керак. Халқорол тажрибадан келиб чиқиб, шу бир ой ичида ҳар бир тиббиёт бўғинида кафолатланган бепул пакет жорий этилади. Ҳозирги пайтда нозологияда 17500 тага яқин касаллик бўлса, улар оилавий шифокорлик поликлиникаси, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда туман, шаҳар шифохоналарининг қай бирида даволаш бўйича рўйхат шакллантириляпти.

Ушбу касалликлар билан келган беморга клиник, инструментал, лаборатор текширувлар учун

зарур барча жиҳозлар ва реагентларни бепул таъминлаб бериш, бу касалликни халқорол стандартлардан келиб чиқиб, қайси дори воситалари билан даволаш зарурлигини аниқлаштириб, бу пакет ичида уларни 100 фоиз бепул таъминлаб беришни йўлга қўяпмиз. Буни узоғи билан бир ой ичида имзолаймиз. Жадал иш олиб борапмиз. Бирламчи бўғинда касалликлар рўйхати ва унга кетадиган барча дори воситалари ва текширув учун зарур реагентларни бепул таъминлаш тизими жорий этилади. Шунингдек, вилоятлар ва республика даражасида ушбу касалликлар рўйхати шакллантирилган бўлиб, бирламчи тиббий хизмат бўғини билан интеграциялаштирилади.

– Сўнги пайтларда соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини рақамлаштириш ва суғурталаш тизимини жорий этиш ҳақида кўп гапириляпти. Бунинг эҳтиёжи ва аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

– Тиббиётимизда бирон-бир натижага эришмоқчи бўлсак, авваламбор, тиббиётни рақамлаштириш ва тиббий хизматда суғурталаш тизимини йўлга қўйишимиз даркор. Агар бу мақсадларга эришолмасак, тиббиётимизда олға силжиш бўлмайди.

Бу тажриба дастлаб Сирдарёда синаб қўрилди. Илк натижалари бор. Энди ушбу тизим Тошкент шаҳрида ҳам қўлланилади. Шунингдек, шу йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон, Бухоро, Навоий, Андижоннинг барча тиббиёт муассасаларини интернет билан таъминлаш, иккинчи ярим йилликда тиббий суғуртани амалга ошириш, рақамли оилавий поликлиника ва рақамли стационарларни ишга тушириш вазифаси турибди. 2024 йилдан бу ишлар мамлакатимизнинг қолган ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Албатта, биринчи навбатда, ҳар бир бўғинда раҳбар бор. Агар у очик, шаффоф, адолатли ишлашга ўрганилган бўлса, қўл остидагилардан ҳам шуни талаб қилади. Тизим жиловини маҳкам ушласа, у ерда коррупция камаяди. Лекин ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Шу боис тизимни рақамлаштириш ва тиббий суғуртани жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ҳаммасини жой-жойига қўяди. Афсуски, ушбу тизимга ўтишни хоҳламайдиганлар бор. Чунки кўп нарсаси, жумладан, коррупция ҳолатлар ҳам очилиб кетади. Уларнинг олдини олиш учун жорий йилнинг ўзидаёқ катта қадамлар ташлашни режалаштиришимиз.

Эҳ-ҳе, қанча тўсиқлар бор... Лекин аҳдимиш қатъий – барчасини энгамиз. Тиббиётимизни рақамлаштириб, тиббий суғуртага ўтамыз. Тиббий суғурта ҳар бир даволаниш ҳолати бўйича, ҳар бир беморнинг қандай ташхис билан, қайси протокол асосида муолажа олганини ўрганиб, харажатларни қоплаб беради. Агар белгиланган стандартлардан чиқиб кетилган бўлса, пулли муассасанинг ўзи ёки шифокор тўлайди.

Иккинчи масала – мамлакатимиздаги дорихо-

налар муаммоси... Ҳозир юртимизда 15 мингдан ортиқ дорихона бор. Аксарияти ўзбошимчилик билан фаолият юритапти. Уларни тартибга солиш учун буйруқ тайёрлапмиз, у бир-икки ой ичида имзоланади. Бундан буён барча даражадаги тиббиёт муассасалари дорихона функциясини ўзи бажаради. Қандай қилиб? Шифохоналаримизга икки тоифадаги беморлар мурожаат қилишади. Биринчидан, аҳолининг маълум имтиёзларга эга контингенти. Кафолатланган пакетда бу тиббиётнинг барча бўғинларида ҳисобга олинган. Пакетга асосан тиббиёт муассасаси уларни бепул даволайди. Бемор дори-дармонларни ўзи сотиб олмади. Иккинчидан, имтиёзга эга бўлмаган, ётиб пулли даволанадиганларнинг қўлига шу пайтгача рецент ёзиб берилар, улар эса ушбу дориларни дорихоналардан сотиб олиб келтиришарди. Энди бу тизим бекор қилинади. Шифохонанинг ўзи пулли даволанадиган беморни ҳам стандарт протоколдан чиқмаган ҳолда дори-дармон билан таъминлаб беради. Бунинг учун шифохона бюджетдан ташқари ўз маблағлари ҳисобидан энг арзон, сифатли дори ишлаб чиқарадиган компаниялардан уларни харид қилади. Шунда коррупция ҳам, сифатсиз дориларнинг аҳолига сотилиши ҳам барҳам топади. Ўтган йил ниҳоятсида бир қанча норасидаларнинг сифатсиз дори воситасидан заҳарланиб, ҳаётдан кўз юмишидек аянчли ҳолатларга чек қўйилди. Шифохонадаги дориларнинг сифати ва нархи, шубҳасиз, давлат томонидан назорат қилиб борилади.

– Лекин тиббий суғуртани оддий одамлар ҳақида тушунамайди. Деялик, чет элда асосан ишлайдиган, белгиланган соликларни тўлайдиган шахсларнинг тиббий суғуртаси бор. Мамлакатимиздаги тиббий суғурта қандай бўлади? Аҳолининг кам даромадли, кўмакка муҳтож қисми тиббий суғурта билан қандай қамраб олинади?

– Бизда дастлаб давлат тиббий суғуртаси жорий этилади. У давлат томонидан тўлаб берилди. Кафолатланган пакетларнинг шакллантирилиши шунинг учун. Давлатимиз ривожланиб борапти. 50-60 фоиз аҳолининг даромадлари ошадиган кейин мажбурий тиббий суғуртага босқичма-босқич ўтишни бошлашимиз. Бунинг учун аҳолининг асосий қисми иш билан таъминланиши керак. Шундан кейингина биз уларни мажбурий тиббий суғуртага ўткази оламиз. Бунга давлат суғуртаси орқали 2-3 йил давомида тайёргарлик кўриб борамиз. Пировадда мажбурий тиббий суғуртага ўтилади.

– Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Сизнинг тимсолингизда эл-орт соғлиғини асраб-авайлашдек ўта масъулиятли ва шарафли касб эгаларига ишларида муваффақиятлар, ўзларига тинчлик-омонлик тилаймиз.

«ISHONCH» мухбири
Жаҳонгир НАҲАҶОНОВ
суҳбатлашди



Ҳикмат

Ҳақиқатни очинглари, тўғри йўлдан юринглари. Бир-бирингиздан илм ўраниш, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглари.

Абу Али ибн Сино

«ВАТАНИМГА ТАЯНЧМАН»

Юртимизда ҳар йили 14 январь Ватан ҳимоясидек муқаддас ишга ўзини бағишлаган ҳарбийлар байрами сифатида катта шодиёна билан нишонланади. Бундай эътибор ва эътироф уларга ўзгача куч-қувват ва ғайрат-шижоат бағишлайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Ватанимга таянчман» мавзусида ўтказилган маънавий соатида шу хусусда сўз борди. Унда масъул ходимлар, тармоқ касаба уюшмалари, Тошкент шаҳар кенгашлари, «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти, санатор-курортлар бошқармаси ходимлари иштирок этишди. Дастлаб Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев барча нурдошларимиз ва тадбир қатнашчиларини кутлуг сана билан табриклаб,



келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилади. Таъкидлашчи, Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонлини замирида, аввало, ёшлар онига она юрт ҳимояси шарафли вазифа эканини синдириш, уларда миллий армиямиз билан фахрланиш, ҳарбий ватанпарварлик туйғулари юксалтириш, Қуролли Кучларимиз қудрати ва

салоҳиятини тарғиб этиш масалалари ётади. Шу боис ушбу масала бўйича Касаба уюшмалари ижроия кўмитасининг тадбирлар режаси тасдиқланган. Унга кўра, касаба уюшмалари томонидан Ватан ҳимоячилари куни кенг миқёсда нишонланмоқда. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва

Маънавий соати

спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо Ватанни ҳимоя қилиш барча учун муқаддас бурч экани, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳарбийларимизнинг машаққатли ва шарафли фаолияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шуниингдек, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларга давлатимиз томонидан берилётган имтиёзлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Бундай тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлодни Ватан тақдирини ушбу маънавият қилиб тарбиялаш, юртга, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғулари янада кучайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, сўзга чиққан иштирокчилар ҳам юртимиздаги тинчлик ва оқойишталикни қадрлаш зарурлиги хусусида сўз юритиб, ҳарбий хизматчиларга масъулиятли ва шарафли ишларда куч-қувват тилашди.

Гулрухбегим ОДАШБОВА «ISHONCH»



Тахминан 2008 йилдан бери дунё футболда икки «юлдуз» – аргентиналик Леонель Месси ва португалиялик Криштиану Роналду ўртасида ўзига хос рақобат кечганидан кўпчилик хабардор. Менимча, йил адоғида Қатарда ўтказилган жаҳон чемпионатидан сўнг ушбу жиддий рақобат ҳам адоғига етгандек. Месси азалий орсусига эришиб, мундиал ғолиби бўлди, Криштиану эса араб жамоасига ўтиб, Европа футболни, аниқроғи, жаҳон нигоҳидаги йирик аренани тарк этди-ю, рақиб билан барча жабҳадаги курашни тўхтатгандек бўлди. Назаримда, ўн беш йилча давом этган бу рақобатнинг асрий миқёсдаги қиймати, даражаси, салмоғи бошқа бир рақобат олдида барибир камроқ.



Эсимни танибманки, дунё футболда, миллиардлар ўйини тарихида икки ном алоҳида тилга олинади. Бу номлар ҳозиргина таъкидлаганим асрий рақобат сабабчилари – Эдсон Арантис ду Насименту (Пеле) ҳамда Диего Армандо Марадона. Қизиғи, Месси ва Роналдудан фарқли равишда Пеле ва Марадона ҳеч қачон бир-бирига қарши майдонга тушмаган. Улар бошқа-бошқа авлод вакиллари бўлишган. Бразилиялик Пеле 1958, 1962 ва 1970 йиллардаги уч қарра жаҳон чемпионлигини сўнг футболчилик фаолиятини АҚШ чемпионатида тугатаётган чоғларида Бразилияга қўшни Аргентинада бошқа бир гитан юлдуз эндигина жаҳон арена-сига кириб келаётган эди. Шундай эса-да, бу иккасининг ақл бовар қилмас ўйини, бетакрор маҳорати, юксак натижалари уларни ўзаро қийлашга, мудом ёнма-ён таърифлашга футбол мухлислари ундагандир, эҳтимол. Мен бразилиялик афсунгарнинг ўйинларини тўғридан-тўғри кузатмаганман. Ҳатто 60-70-йиллар дунё футболни бевосита кўрган катта авлодга мансуб мухлис-ларнинг кўпчилиги ҳам ўша давр технологияларининг имкониятлари чекланганлиги вақидан бундай саодатга тўла-тўқис эришганлар дейиш қийин. Биз Пеле кабиларнинг майдондаги ҳаракатларини youtube платформаси ва бошқа тармоқлар, шуниингдек, телеканаллардаги айрим

узук-юлук тасвирлар орқалигина томоша қила оламиз, холос. Аммо шу видеотасвирларнинг ўзиёқ Пеле ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш имконини беради: 60-йиллар, 70-йиллар бошлари... Майдонда фақат бир киши тўп сурмоқда. У шамолдек олиб, оёқлари, танаси билан тўпни ажабтовур тарзда ўйнаиб, лиқ тўлган ўйингоҳни ларзага келтирмоқда. Унинг ортидан қандайдир шарпалар билинар-билимас таъқиб этиш билан банд, холос. Ҳа, Пеленинг дриблинглари, мукамал техникаси сабаб манаман деган рақиблар ҳам унинг олдида ва ортида шарпадек бўлиб қолишарди.

Ҳозир айрим мухлислар ва мутахассислар «Пеле замонида дунё футболни, ўйин назарияси, тактик схемалар ҳали унчалик ривожланмаганди, рақиблар ҳам кучсизроқ бўлган», дейишади. Балки бу фикрларда ҳам жон бордир. Бироқ унутмаслик жоизки, Пеле Беккенбауер, Факетти, Пушкаш, Яшин, Чарльтон, Эйсебио, Кубильяс каби афсонавий ўйинчилар замондоши эди. Ўша даврда ҳам рақобат кучли бўлган. Буни Англия, Ғарбий Германия, Италия, Венгрия, Чехословакия, Перу, собиқ Иттифок, Португалия, Югославия терма жамоаларининг мундиаллардаги ўйинлари, натижалари

кўрсатиб турибди. Ҳали бола чоғида ёқ Пеле Швеция майдонларини ларзага солган: ўн саккиз яшар болакай 1958 йилги мундиалдан французлар дарвозасига учта, финалда эса мезбонлар дарвозасига иккита тўп киритган. Бундай натижага эришиш учун шунчаки зўр футболчи бўлишнинг ўзи камлик қилади. Кўпчилик мутахассислар 1368 та ўйин ўтказиб, жами 1281 та гол урган Пеленинг футболчи сифатидаги жисмоний имкониятларида сира нуқсон йўқлигини таъкидлашгани ҳам бежиз эмас.

Ҳўш, ҳар икки оёғида ҳам, бошию гавдаси билан ҳам тўпни моҳирона ўйната олиш, рақиб ҳимоясини дадил ёриб ўтиб, бахслар тақдирини ҳал қилишдек бундай мукамаллик замирида нималар ётибди, деган савол тўғрисида табиий. Футбол қиролининг таржимаи ҳоли акс этган «Мен Пеленман» китобида айтилишича, футболчи бир неча бор ичкиликка ва тамаки чекишга эндигина ружу қўяётганида уни яқинлари бу иллатлар домидан асраб қолишган. Албатта, шахс камолотида оилавий муҳитда ҳам гап кўп. Ночор оилада ўсган, отаси каби тўп тепишга меҳр қўйган Пеле кейинчалик ҳам турли зарарли одатлардан йироқ бўлишга интилган. Табиатан босиқ, юморга мойил бўлгани ҳам бу инсоннинг бир умр фақат ҳурмат топшида, соғлом турмуш тарзи боис узоқ ҳаёт кечиришида муҳим роль ўйнаган бўлса керак. Пеле шу сабаб шахс сифатида, ижтимоий фаолиятида Марадона-

Спорт

дан кескин фарқ қилади. Қиролнинг ҳазилкаш, гапга уста бўлганлигини интервьюларида ҳам кўриш, сезиш мумкин. У Лев Яшин дарвозасига гол урولмаганидан афсусланган экан. Машҳур рус дарвозабонининг ватандоши бўлган бир журналистнинг «Қачон руслар футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлишди?» деган саволига Пеле «Қачонки, Бразилия хоккей бўйича жаҳон чемпиони бўлганида» деб жавоб берган экан.

У бир томондан камтар, бошқа томондан ўз қадрини биладиган беназир шахс ҳам бўлганини «вақти келиб Пеледан ҳам кучлироқ футболчилар етишиб чиқишади. Аммо Пеледақаси бошқа бўлмайди» деган сўзларидан илғаш мумкин.

Камдан-кам футболчи худди Пеледек фаолияти чоғидадек меҳр қўйишади. Ҳатто ўзаро сиёсий душман кучлар ҳам бразилиялик бу инсонни қанчалар қадрлаганларини 1975 йилда Ливан пойтахтида юз берган ҳолат айтиб турибди. Фуқаролар уруши ёқасидаги бу мамлакатга Пеле бошчилигида «Космос» жамоаси ўртоқлик ўйини учун сафар қилган ва ўшанда бразилиялик «қирол» ҳаққи-ҳурмати ана-мана бошланай деб турган жанг-у жадаллар вақтинчалик тўхтатилган. Байрутдаги марказий ўйингоҳда ҳар икки душман томон вакиллари афсунгарнинг ўйинидан баҳра олишган. Бунақаси тарихда яна бўлганми, йўқми, билмадигу, ҳар қалай, футбол шу тариха нотинч араб дёртида тинчлик элчиси сифатида намоён бўлган.


Кўпчилик «Пеле футбол туфайли оламшумул суҳрат топди, инсониятнинг таниқли шахсларидан бири бўлиб қолди» дейди. Танганинг иккинчи томони бўлганидек, футбол айнан Пеле туфайли миллионлар ўйинига айланди. Футбол айнан шу бразилиялик йигит сабаб юзга яқин спорт турлари орасида биринчи рақамли ўйин бўлди.

Сўнгги йиллар жаҳон футболни учун анча оғриқли ўтати. Аввалига Кройф, Марадона, Паоло Росси каби ўтмиш юлдузлари, энди эса Пеле бизни тарк этди. Футбол борган сари етим бўлмоқда. Начора, бу – ҳаёт қонуни. Аргентиналик афсонавий футболчи вафот этганида Пеле «Энди биз самода бирга тўп тепамиз» деган эди.

Яқинда енгилмасдир. Чунки унда Пеле ва Марадона ўйнайди», дея фикр билдирди. Ўз навбатида, Роналду ўзининг инстаграмдаги шахсий саҳифасида шу сўзларини ёзди: «Бразилияга чуқур ҳамдардликни билдираман. Айниқса, Пеленинг оиласига. Шунчаки «хайр» сўзи футбол оммаси чекаётган қайғуни ифодалай олмайди. Миллионлаб инсонлар учун Пеле завқланиш ва илҳомланиш манбаи эди. У ҳеч қачон унутилмайди. Ҳар бир футбол ишқибози қалбида Пеле мангу яшайди».

Эндиги қирол, дея таърифланаётган Леонел Месси ҳам Пеле хотираси ҳурмати юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиргани ҳам диққатга лойиқ.

Рустам ИБРОҲИМОВ, журналист



Машҳур масалнинг давоми. Хуллас, беғуноҳ Қўзичоқни еб қўйган Бўрини суд қилишиди.

Ўрмондаги қозилар Маҳкамага келдилар. Она Қўйнинг арзини Мухокама қилдилар.

Мажлисда кўз ёш тўқиб, Даввогар шундай деди: «Қўзичоғим беозор, Содода ва ювош эди.

Жазоланлар муттаҳам, Жиноятчи Бўрини. Йўқса, қуртаверар Қўй-қўзининг шўрини...».

«Йўқ, – дер адвокат Тулки – Фарқайлик қора-оқни, Ўзим кўрдим, қўзичоқ Лойқалатди булоқни.

Бошқаларни ўйлаб Бўри, Чора кўрди Қўзига. Далил, гувоҳ, исбот йўқ, Она Қўйнинг сўзига...».

«Айбдор қотил эмас, Бўри полвон ҳойнаҳой.» Баҳслашувга қўшилди, Қораловчи Айқувой.

«Унинг бир кичик айби Ўзимман деганида. Қўзориға билдирмай Қўзини еганида...».

«Тўғри, – дер кекса Шоқол – Бизлар шундай қилардик. Ўлжамизнинг ярмини Катталарга берардик...».

Узоқ тортишувдан сўнг, Бўри ҳайфсан олди. Она Қўйнинг арз-доди, Яна ҳавода қолди.

Мажлиснинг якунида Ажрим қилди қозилар. Қоронинг бир четига Шундай дея ёздилар:

«Бундан буён ҳеч жонзот, Фақат ўзим демасин. Катталарга айтмасдан Ўлжасини емасин!..».

ЁР МУҲАММАД

Эълонлар

Ўзбекистон Миллий Телевизиокомпанияси томонидан «Toshkent» телевизиокомпанияси давлат унитар корхонасининг муҳаррири Незъматуллаев Хуршиддон Изатилло ўғли номига берилган №4412 рақамли гувоҳнома ўйқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент педагогика коллежи томонидан 2008 йилда Ковалёва Наталья Сергеевна номига берилган К № 1155661 (рўйхат рақами: 1055) рақамли диплом ўйқолгани сабабли бекор қилинади.

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси алоқа соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган меҳнат фахрийси **Шомансур Шонусупович АБИДХОДЖАЕВ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



ISSN 2010-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati rasi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A Haydarov

Musahihilar: D. Xudayberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Boshig'ha topshirish vaqti – 21:50 Topshirishi – 22:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy, E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ispoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalanda.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloq. Buyurtma G-113 Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adasi 31552 14543 nusxa «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Иқтибос

Мен футбол ўйнаш учун туғилдим, худди Бетховен ёрқин мусиқалари учун, Микеланжело эса ўз расмлари учун бўлганидек.

PELE